



Қосимжон СОДИҚОВ,
Ислом академияси Шарқ
адабиёти ва манбашунослик
кафедраси профессори

ШАРҚ МУМТОЗ ФИЛОЛОГИЯСИ – ИСЛОМШУНОСЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилганлиги мамлакатимиз ижтимоий, илмий, маънавий-маърифий ҳаётида катта ҳодиса бўлди.

Илк ва ўрта асрларда кечган ислом цивилизациясида, ислом тафаккури, унинг тарихий такомилида, аждодларимизнинг, Марказий Осиё ўлкаларидан етишиб чиққан улуғ алломалар, адибу мутафаккирларнинг хизмати катта. Тафаккур тарихининг ўша узоқ даврларидан араб, форс ва туркий тилларда битилган бебаҳо ёзма мерос сақланиб қолган. Ўзбек фани, ёшларимизнинг маънавий камоли учун ота-боболаримизнинг ислом равнақи-га, тафаккурига қўшган билимларини, улардан қолган ёзма меросни ўрганиш муҳим.

Ислом таълимоти, маънавиятига бағишланган арабча ва форсий тилдаги обидалар билан бир қаторда, туркий манбаларнинг ҳам мавқеи ва аҳамияти катта. Ўтмишда Марказий Осиё ўлкаларида ислом ёзма манбалари мана шу уч тилда ёйилган.

Х асрдан бошлаб Қуръони каримнинг туркий таржималари юзага кела бошлади; унинг билан изма-из туркий тафсирлар ҳам яратилди. Тафсирлар-

нинг бир қисми араб ва форс тилларидан туркий тилга таржима қилинган бўлса, баъзилари шу ўлкаларда яшаб ўтган олимларимизнинг ижод маҳсулидир. Шунингдек, ўрта асрларда «Меърожнома», «Тазкирату-л-авлиё», «Сирожу-л-қулуб», «Роҳату-л-қулуб» сингари асарларнинг туркий таржималари юзага келди.

Ислом таълимоти, тарихи, маънавиятига бағишланган туркий ёзма ёдгорликлар ниҳоятда кўп. Улар ҳозир дунёнинг йирик қўлёзма фондларида сақланмоқда. Илк ва ўрта асрларда турк-ислом муҳитида матнчилик анъанаси юқори бўлганига қарамай, негадир, туркий манбалар мутахассислар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Ваҳоланки, уларнинг қадри арабий ва форсий манбалар билан тенгма-тенг юради. Ислом маънавияти тарихида яратилган ушбу бебаҳо асарларни илмий ўрганиш ўзбек исломшунослигининг вазифасидир.

«Исломшунослик» – кенг қамровли тушунча. Фаннинг бу тармоғи фақат диний мазмундаги асарлар билан чекланмайди. Ислом даврида яратилган мумтоз бадий адабиёт, илмий асарлар, тарих китоблари, китобат санъатининг нодир намуналари, маданият ва санъат ёдгорликлари, тарихий обидаларни



тадқиқ этиш ҳам, табиийки, ислом маданияти ва исломшуносликнинг қуршовига киради.

Таъкидлаш ўринлики, Ғарбдаги замонавий фан тизими ҳам ислом илми ана шундай кенг тасаввур қилади. Шунинг учун илғор университетларнинг илоҳиёт факультетларида бу соҳаларга кенг ўрин берилмоқда.

Яна бир жиҳати, ота-боболар меросини ўрганишга ўтмиш олий таълим тизимидаёқ катта эътибор қаратилган. Қадимий илмий китоблар, қўлланмаларнинг тузилиши, мазмун-моҳияти, Шарқ тилларини ўрганишда қулай ва тушунарли эканига қараганда, эски мадрасаларда ўқитишнинг илғор назарий-методик асослари, амалий усуллари, йўл-йўриқлари пухта ишлаб чиқилган эди. Мадраса таълимида Қуръони карим, тафсир илми, ҳадисшунослик билан бир қаторда, филологик асарларни ўқитишга, хусусан, араб тилининг сарфу наҳви, луғатшунослиги, матн балоғати, ислом бадий-фалсафий асарлари, тарих китоблари, қиссаларга ҳам чуқур урғу берилган; Ҳофиз, Саъдий, Жалолиддин Румий, Мирзо Бедил шеърияти хижжалаб ўқитилган. Ўтмишда мадрасани тугатган кишиларнинг араб, форс ва туркий тиллар, мумтоз бадий адабиётни яхши билганининг сабаби ҳам мадрасалардаги ўқув тизими, хусусан, ана шу фанларни ўқитишнинг яхши йўлга қўйилганида бўлса керак.

Ўтмишда ишлаб чиқилган тараққий-парвар ўқитиш анъаналарини тиклаш ва уни такомиллаштириш, ўрта асрлар ислом маънавий, илмий ва бадий тафаккур намуналарини, ота-боболар ёзма меросини чуқур ўрганиш ва бу соҳада етук мутахассисларни етиштиришда ян-

ги тузилган Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг масъулияти каттадир. Ана шу эзгу ишларни юзага чиқариш, мамлакатимизда кадрлар самарадорлигини ошириш мақсадида академияда илоҳиёт, ислом тарихи, халқаро муносабатлар бўлимлари билан бир қаторда Шарқ мумтоз филологияси йўналиши ҳам очилди. Келгусида айни соҳада бакалаврлик таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигида етук малакали кадрлар тайёрланади.

Академия олдида бу соҳада улкан ва масъулиятли ишлар турибди. Муҳим вазифа – йигит-қизлар орасидан араб, форс ва туркий тилларини чуқур эгаллаган, боболаримиздан қолган ўлмас меросни яхши биладиган, ислом маънавияти, бадий тафаккурининг юксалуви-га ўзининг муносиб улушини қўшган улуғ алломалар меросини илк манбалардан ўқиб ўрганувчи, ёзма манбалар устида илмий ишлар ярата оладиган етук манбашунос-исломшунослар етиштирилмоғи керак.

Тан олмоқ керак, ўзбек илми Шарқ ёзма манбаларини, мумтоз адабиёт дур-





доналарини ўрганиш соҳасида яхшигина тажрибага эга. Ўзбекистонда мумтоз меросни ўрганиш ва ўргатиш бўйича йирик мактаб шаклланиган. Бу мактабнинг йиллар оша тўплаган ютуқлари, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналари бор. Шу ўринда очиғини айтиш керак, бу соҳада мутахассислар оз қолган, ўша манбалар устида тадқиқот олиб бораётганлари анча кексайиб қолди. Энди эса уларнинг ўрнини босадиган ёш мутахассисларни тарбиялашнинг вақти келди. Айниқса, академиянинг ташкил этилганлиги фан ривожини учун улкан имкониятларга йўл очиб берди. Бизнинг истагимиз – ўша яхши анъаналарни сақлаган ҳолда, уларни бойитиб, ёш ва етук мутахассислар авлодини етиштиришдан иборат. Академиядаги ўқув жараёни ана шунга йўналтирилмоқда.

Шарқ мумтоз филологияси таълим йўналишининг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқув режасида Шарқ тиллари, Шарқ мумтоз адабиёти ва адабий манбашуносликка катта эътибор қаратилмоқда.

Биринчи туркум фанлар Шарқ тилларини ўқитиш билан боғлиқ. Ушбу таълим йўналишида асосий Шарқ тилларидан бири араб тили бўлади. Толиби илмлар тўрт йил давомида араб тилининг ёзуви ва фонетик тизими, лексик хусусиятлари, сарф ва наҳви, стилистикасини атрофлича ўрганиб чиқади. Мутахассис тайёрлаш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, бошқа бўлимлардан фарқли ўлароқ, ушбу таълим йўналишида кўпроқ мумтоз матнлар билан ишлашга эътибор кучайтирилади.

Муҳим жиҳатларидан бири, таълим йўналишида араб тили билан ёнма-ён форс тили ва эски ўзбек тили ҳам ўқитилади. Ўқув режасида бу уч тилга бирдай эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Илк ва ўрта асрлардан кунимизгача сақланиб қолган ёзма мероснинг катта бир қисми ана шу тиллардадир. Академиянинг битирувчилари ҳам ана шу ёзма манбалар бўйича етук малакага эга бўладилар.

Таълим йўналишида адабиётшунослик фанларига ҳам кенг ўрин ажратилаётир. Шарқ тиллари билан ёнма-ён ҳолда, мумтоз Шарқ адабиёти фанлари ҳам ўқув режасидан ўрин олган. Булар мумтоз араб ва форс адабиёти ҳамда ўзбек адабиёти тарихи фанларидир.

Танлов фанларида эса толиби илмларнинг Шарқ тиллари ва мумтоз адабиётларга бағишланган фанлардан олган билимлари тўлдирилиб, мустаҳкамлаб борилади. Шунингдек, ушбу таълим йўналишида матншунослик ва манбашунослик асосларидан ҳам маълумот берилади. Муҳими, толиби илмларимиз бакалаврлик давридан оқ қўлёзмаларни ўқиб ўрганишга кириша бошлайдилар. Бу борада, айниқса, ёзув тарихи, туркий тил тарихига бағишланган фанларнинг машқ дарсларини шунга йўналтирилмоғи фойдали.

Магистратура мутахассислиги бакалаврлик таълим негизига таянган бўлиб, унда олинган билимлар илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштирилади. Бунинг билан олий таълим тизимидаги, мутахассис тайёрлашдаги узвийлик таъминланади. Тилшунослик соҳасида араб ва форс тилларининг назарий грамматикаси, туркий ёзма ёдгорликлар тилига бағишланган фанлар ўқитилади. Адабиётшунослик соҳасида эса мумтоз Шарқ адабиётшунослиги, Шарқ мумтоз поэтикаси сингари янги назарий фанлар киритилади.

Магистратура дарсларининг катта бир қисми араб, форс ва эски туркий



тиллардаги қўлёзма манбаларни ўқиб ўрганиш, уларни филологик жиҳатдан таҳлил қилиш, матн ва унинг мазмуний интерпретациясига бағишланган.

Шарқ мумтоз филологияси таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг бош вазифаси араб, форс ва туркий тилларини чуқур ўргатиш, шунингдек, Шарқ мумтоз адабиёти намояндалари, улуғ алломалар ижодини ўргатишдан иборат бўлади. Унда мумтоз араб адабиёти тарихи ва адабиётшунослиги, унинг мусулмон халқлари адабиётига таъсири, Шарқ адабиётидаги жанрлар типологиясига урғу қаратилади. Шунингдек, Ҳофиз, Саъдий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бедил сингари алломаларнинг форсий тилдаги асарлари таҳлилга тортилади. Мумтоз туркий адабиёт намуналаридан Юсуф Хос Ҳожиб, Хожа Аҳмад Яссавий, Адиб Аҳмад Югнакий, Мавлоно Лутфий, Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фузулий, Огаҳий сингари улуғ Шарқ алломаларнинг асарлари чуқур ўргатилади; бу ижодкорларнинг фалсафий қарашларни, Шарқ адабиётида тутган ўрнидан сабоқ берилиб, уларнинг Шарқ маънавий тафаккуридаги улкан ютуқлари оммалаштирилади. Толиби илмлар бу бебаҳо меросни ўқиб, уларни таҳлил қилиш ва келгусида бу манбалар бўйича илмий иш олиб бориш малакасига эга бўладилар.

Академияда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Академия қошида таянч докторантура очилди. Бундан ташқари, мустақил изланувчилар таркиби ҳам шакллантирилди. Бу соҳага, айниқса, кенг фикрли, билимли, араб тилини чуқур эгаллаган ёшларнинг кириб келаётгани қувонарли ҳол.

Айтиш мумкинки, бугунги исломшунослик йўналишлари, соҳалар кўлами, фанда кўтариб чиқилаётган илмий-назарий муаммолар даражаси, танланаётган мавзуларнинг долзарблиги, унинг илмий ва амалий аҳамиятига кўра шу чоққача яратилган ишлардан анча фарқ қилади. Академияда исломшуносликнинг илгари қўл урилмаган, лекин ниҳоятда муҳим соҳаларида ҳам илмий тадқиқотлар бошланмоқда.

Шарқ мумтоз филологияси йўналиши Ўзбекистон олий таълим тизимида ҳам чет эллардаги сингари исломшуносликнинг муҳим ва ажралмас соҳаларидан бирига айланиб бормоқда.

